O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 14 май сешанба

Сотувда эркин нархда № 102 (2930)

ДОН ХИРМОНИ ЮКСАЛАДИ

Мирзо Улуғбек номидаги ширкат хўжалиги пудратчиси Рўзибой Қурбонов ҳар тонг яхши ниятлар, ёрқин умидлар билан қадрдон даласига ошиқади. Баҳор шабодасидан солланиб, зангори гилам янглиғ ястаниб турган ғаллазорни кўриб беихтиёр қалби қувончга тўлади. Бўлиқ бошоқларга қараб, бу йилги ҳосилни чамалайди. Рўзибой аканинг мақсади 17 гектар ғаллазорнинг ҳар гектаридан 80 центнердан ҳосил кўтариш ва бўзликлар орасида биринчи бўлиш. Бунинг учун имконият ҳам, шароит ҳам етарли.

СУРАТДА: ғаллакор Рўзибой Қурбонов қизи Мунаввархон билан.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Шу сонга хабар

Водийда биринчи бўлиб

Поп тумани пиллакорлари давлатга пилла сотиш шартномавий режасини Фарғона водийсида биринчи бўлиб бажардилар.

4155 қути ипак қурти агротехника қоидалари асосида парваришланиб, қабул пунктларига 107 тонна юқори сифатли «кумуш тола» етказиб берилди.

Гарчи йиллик давлат шартномавий режаси бажарилган эсада, туманнинг барча хўжаликларида пилла терими қизғин давом этмоқда. Поплик пиллакорлар ўз имкониятларини чамалаб чиқиб, режага қўшимча 60 тоннадан зиёд пилла топшириш мажбуриятини олдилар.

О.НОМОЗОВ, «Поп тонги» газетаси муҳаррири.

НУКУСНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ КЕНГ НИШОНЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2002 йил 8 майда "Нукус шаҳрининг 70 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида" қарор қабул қилди. Нукуснинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва маданий ҳаётидаги алоҳида аҳамиятини ҳисобга олиб қабул қилинган мазкур қарорга мувофиқ шаҳар юбилейи шу йилнинг кузида кенг нишонланади.

Мамлакатимизнинг навқирон шаҳарларидан бири — Нукус Қорақалпоғистон ҳудудининг марказий қисмида, Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган, Жануб ва Шарқда Қизилқум чўли билан ўралган, Шимолда Амударё дельтасига туташдир. Шаҳар аҳолисининг миллий таркиби хилма-хил — бу ерда ўзбеклар, қозоқлар, туркманлар, руслар, корейслар, татарлар, украинлар, қирғизлар ва бошқа миллат вакиллари қорақалпоқлар билан ҳамжиҳат, дўсту иноқликда яшайди.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, ҳозирги Нукус ўрнида илгари шу номдаги овул бўлган. Ўз даврида кема қатновининг кучайиши, савдо-сотиқ, ҳунармандлик, балиқчилик бирмунча ривожланиши туфайли овулда хўжаликлар сони ортиб борган.

Айтиш жоизки, Президентимиз Ислом Каримов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг яқинда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида Қорақалпоғистонда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар, бунёд этилган янги иншоотлар, замонавий корхоналар, йўл ва кўприклар, кундалик ҳаётимизда қўлга киритилаётган натижаларга холис баҳо берар экан, бу ютуқларда Нукус ва нукусликларнинг муносиб улуши борлигини қайд этганди. Зеро, ўзининг етмиш йиллик тарихи давомида Нукус, Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ экологик офат минтақасида жойлашганига қарамай, айнан истиқлол йилларида Қорақалпоғистоннинг том маънодаги саноат, илм-фан, маданият марказига айланди.

Вазирлар Маҳкамасининг номи зикр этилган қарорига биноан шаҳарнинг 70 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш Республика ташкилий қўмитаси таркиби ҳамда тадбирлар дастури тасдиқланди.

Дастурга кўра Нукусда шу йилнинг кузида шаҳар юбилейига бағишланган тантанали байрам тадбирлари ва илмий-амалий анжуман ўтказилади. Шу муносабат билан китоб-альбом, илмий ва бадиий асарлар, шунингдек, махсус почта маркалари ва бошқа босма маҳсулотлар чиқарилади.

Ушбу тадбирлар ва нашр ишларини амалга оширишга Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ишлари вазирликлари, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими, Фан ва технологиялар маркази, Давлат матбуот қўмитаси, "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, Почта ва телекоммуникациялар агентлиги, Нукус шаҳри ҳокимлиги каби ташкилотлар жалб этилган.

Бадиий академияга Нукус шаҳрининг 70 йиллиги рамзи, "Фонон" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига шаҳар юбилейига бағишланган кўкрак нишонлари, "Ўзбекенгилсаноат" давлат уюшмасига эса миллий эсдалик совғалари тайёрлаш вазифаси юклатилган. Оммавий ахборот воситаларига мазкур тадбирни нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ кўрсатув ва мақолалар туркуми, дастурлар ташкил этиш тавсия қилинган.

Шаҳар юбилейи муносабати билан бажариладиган қурилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирлари ҳам белгиланди. Жумладан, жорий йилнинг учинчи чорагида шаҳарда бир қатор иморатлар қурилишини тугаллаш ва реконструкция қилиш, янги турар-жой бинолари ҳамда хиёбонлар барпо этиш, майдонларни кенгайтириш, йўлларни таъмирлаш мўлжалланган.

Қарорда бу борадаги бунёдкорлик ишларини амалга ошириш юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзавтойўл" давлат концерни, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги зиммасига тегишли вазифалар юклатилган.

(ЎзА).

СИМ ОРҚАЛИ КЕНГАШ

Жорий йил қишлоқ хўжалиги учун бирмунча қулай келиб, қишда қор меъёрида тушди, баҳор ҳам серёғин келди. Бу, албатта, ғалла майсаларининг баравж ўсиши, ундан мўл ҳосил олиш учун етарлича шарт-шароит яратди. Бундай имкониятдан унумли фойдаланган ғаллакорларимиз юқори ҳосил етиштириш учун фидокорона меҳнат қилдилар.

Мана, бир неча кундан кейин халқимиз ризқ-рўзи ҳисобланган бошоқли дон ўрим-йиғимига оммавий равишда киришилади. Хўш, ушбу масъулиятли мавсумга тайёргарлик қандай, техника шайми, дон қабул қилиш корхоналарининг бу борадаги ишлари қандай аҳволда? Ҳосилни нест-нобуд қилмасдан йиғиштириб олиш учун барча шарт-шароит мавжудми?

ҲАР ДАҚИҚА ҒАНИМАТ

Бу борада жойлардаги аҳвол батафсил ўрганилганда, тайёргарлик ишлари ўтган йиллардагига нисбатан анча яхши эканлиги маълум бўлди. Эндиги асосий вазифа катта машаққат, фидокорона меҳнат, сарф-харажат эвазига етиштирилган бошоқли донни қисқа фурсатда ўриб-йиғиб олиб, давлатга сотиш ва бу борадаги белгиланган топшириқни бажаришдан иборат. Лекин мавсумга тайёргарлик ишларини ҳамма жойда ҳам қониқарли, деб бўлмайди. Масалан, дон экиш, уни парвариш қилиш ва ҳозирги ишларда айрим хўжалик ҳамда туманларда илгариги йиллардаги хатолар такрорланмоқда. Масалан, кузда уруғликнинг меъёридан кам қадалганлиги боис ниҳоллар сийрак бўлди. Натижада уларнинг ўрнини қамиш, ғумай, шўра каби бегона ўтлар эгаллади. Ниҳолларни озиқлантиришда минерал ўғитларнинг талон-торож қилинишига йўл қўйилди. Шарбат суви вақтида берилмади. Бундай нохуш аҳволни Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларининг айрим хўжаликларида кузатиш мумкин.

Шунингдек, ўтган йили ўрим комбайнларини созлашдаги камчиликлар, хусусан, уларнинг яхши гермитизация қилинмаганлиги, техникани гуруҳларга бўлиб ишлатиш тўғри ташкил этилмаганлиги боис иш унуми кескин камайиб кетди. Исрофгарчиликка йўл қўйилди. Масалан, Россия комбайнлари билан ўрилган майдонларда гектаридан 5-6 центнер, хориж техникаси билан эса 3-4 центнер ҳосил йўқотилди. Шу билан бирга ўрим мавсуми чўзилиб кетди. Бу иш Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида 35-38 кунгача давом этди.

Ҳозир илгариги хатоларга йўл қўймаслик учун барча чора-тадбирлар кўрилмоқда. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг «2002 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши тайёргарлик ишларида дастуриламал вазифасини ўтамоқда. «Ўздонмаҳсулот» корпорациясининг дон қабул қилиш пунктлари, элеваторларида тайёргарликнинг қониқарли эканлигини таъкидлаб ўтиш зарур. Комбайнларни мавсумга созлаш ҳам ўтган йилга нисбатан анча яхши.

Лекин ҳамон мазкур долзарб масаланинг моҳиятига тушунмаётган раҳбарларнинг учраб турганлиги афсусланарлидир. Бир мисол. Давлат техника назорати органлари томонидан тайёр деб кўрсатилган комбайнлардан 1227 тасининг сифати текширилганда, улардан 266 таси ёки 22 фоизида турли хил камчиликлар аниқланди. Хориж техникасининг 73 таси, яъни 14 фоизида ҳам ана шундай аҳвол маълум бўлди. Юқорида номи қайд этилган ҳукумат қарорида техникани созлаш 15 майгача белгиланганлигига қарамасдан, бу иш Сирдарё, Навоий, Самарқанд вилоятларида ҳамон оқсамоқда. Янаям аниқроғи, Навбаҳор, Навоий, Меҳнатобод, Сирдарё, Гулистон, Қўшработ, Ургут, Нуробод туманларида комбайнларнинг 61-75 фоизи мавсумга тайёр, холос.

Баъзи вилоятларда қоғозда 95-100 фоиз тайёр деб кўрсатилган техниканинг ҳар бирида 5-6 тадан камчилик учраши ачинарли ҳолдир. Нукус, Қонликўл, Чимбой, Ш.Рашидов, Меҳнатобод туманларида техникани таъмирлаш бўйича статистика органларига нотўғри ахборот берилган. Шунингдек, ўрим мавсуми яқинлашаётган бўлишига қарамай ҳамон кўпгина туманларда ўт босган майдонлар мавжуд. Наҳотки ўша ердаги раҳбарлар бу ҳол комбайнлар ишига халақит беришини, ҳосилга таъсир қилишини тушуниб етишмаса? Ўтган йили далаларни бегона ўт босганлиги туфайли 20 минг гектар майдонни ўришнинг иложи бўлмади. Шу боис юқоридаги камчиликка йўл қўйган Зафаробод, Зарбдор, Қаровулбозор, Ғиждувон, Мубарак, У.Юсупов, Ш.Рашидов, Меҳнатобод, Чуст, Норин, Бекобод, Ўрта Чирчиқ туманлари раҳбарлари далани бегона ўтдан тозалаш ишларини тезлаштиришлари керак.

Хўш, ўрим-йиғим мавсумини соз ва муваффақиятли ўтказиш учун яна нималарга эътибор бериш лозим бўлади? Аввало, ҳамма жойда техникани таъмирлаш ишларини якунлаш зарур. Комбайнларнинг ишига халақит бермаслиги учун ўқариқлар ва бурилиш майдончаларини текислаш керак. Муҳим вазифалардан яна бири «Кейс», «Класс» комбайнларидан ниҳоятда унумли фойдаланишга ҳаракат қилиш, уларнинг ҳар бири билан кунига 30 гектаргача ғалла ўришни таъминлаш лозим. Фақат ёруғ пайтида комбайнлардан фойдаланиш ва лалми ерларда Россия техникасини ишлатиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, техникани гуруҳларга бўлиб ишлатиш яхши натижа беради. Аввало, бу иш самарасига таъсир қилса, кейин донни талон-торож қилиш, ўғирликлардан сақлайди. Мавсум қатнашчиларига ўз вақтида иш ҳақи бериш, уларни рағбатлантириб туриш ҳам муваффақият омилларидан биридир. Вазирлар Маҳкамасининг қарорида ўрим қатнашчиларига ҳар беш кунда иш ҳақи бериш вазифаси қўйилган. Афсуски, кейинги пайтда ҳосил йиғиштириб олингандан кейин турли хил баҳоналар билан далага ўт қўйиш каби нохуш одат шаклланмоқда. Бунга мутлақо йўл қўймаслик зарур. Сабаби, бундай ҳолатда ернинг унумдорлигига катта зарар етказилади.

Тўлиқ гектарлар керак

Жорий йил баҳори пахтачилик учун ҳам, кетма-кет бўлаётган ёғингарчиликларни ҳисобга олмаганда, анча қулай келди. Тажрибали деҳқонлар имкониятдан унумли фойдаланиб, уруғликни ўз вақтида қадаб олдилар ва ҳозир ғўза ниҳолларига ишлов беришни бошлаб юборишди. Плёнка остига чигит экиш ҳажми ҳам ўтган йилларга нисбатан кескин кўпайди. Мамлакатимизда 290 минг гектардан ортиқ ерга ана шу усулда уруғлик қадалди.

Лекин чигитни ўз вақтида экишни кечиктираётган ҳудудлар ҳам мавжуд. Буни Қорақалпоқистон Республикасининг кўпгина туманларида кўриш мумкин. Олимларнинг таъкидлашича, намгарчилик ортиқ бўлаётган жорий йилда ғурли хил ҳашарот ва касалликларнинг кўпайиши кутилмоқда. Шу боис биолабораториялар ва биофабрикалар ишини яхши йўлга қўйиш керак. Шунингдек, етиштирилган пиллани териб олиш, табиий ўтларнинг кўп бўлганлигидан фойдаланиб, чорва учун мўлқўл хашак жамғариш ҳам шу куннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўтган куни республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида юқорида баён этилган масалалар муҳокамасига бағишланган сим орқали кенгаш бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоят ва туман ҳокимлари, уларнинг қишлоқ хўжалиги ҳамда иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарлари, «Агромашсервис» уюшмаси ва унинг жойлардаги корхоналари, ширкат ва йирик фермер хўжаликлари, агросаноат мажмуига кирувчи вазирлик, уюшма, компания, идора ва молиявий муассасаларнинг раҳбарлари қатнашдилар. Кун тартибидаги масалалар бўйича Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Хоразм, Сурхондарё вилоятлари ҳокимлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ахборот беришди.

Сим орқали кенгашни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков олиб борди. Йиғилишда республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Алимов, Бош вазир ўринбосарлари Н.Юсупов, М.Усмонов, В.Отаев қатнашдилар.

Икром ЎТБОСАРОВ, Ҳосил КАРИМОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.

Эркинлаштириш — ҳаётий зарурат

ИХТИЁРИЙ ТУЗИЛМА

ёхуд жамоат бирлашмаларининг фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ўрни хусусида

Ўзбекистон XXI асрга ҳуқуқий демократик давлат қуриш соҳасидаги улкан ислоҳотлар билан қадам қўйди. Уларни амалга оширишда давлат органлари ва нодавлат ташкилотлар ғоят муҳим ўрин эгаллайди. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, олдимизда турган вазифаларни ҳал қилишда жамоат ва нодавлат тузилмаларни ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга.

Шуни эътироф этиш ўринлики, жамоат бирлашмалари жамиятимиз ижтимоий-сиёсий тизимида ўзига хос ташкилий-ҳуқуқий институт сифатида намоён бўлмоқда. Ўз моҳиятига кўра у нодавлат, нотижорат ташкилот ҳисобланади. Юридик шахс сифатида ўз фаолиятини Конституция ва қонунлар асосида амалга оширади.

Жамоат бирлашмалари бир қанча белгилари билан бошқа юридик шахслардан ажралиб туради. Улар мустақил равишда вужудга келади ва мустақил фаолият юритади. Давлат идоралари уларнинг фаолиятига аралашишга ҳақли эмаслар. Жамоат бирлашмаларида ўз-ўзини бошқариш, ички тафтиш ва назорат механизми мавжуд. Бундан ташқари гарчи жамоат бирлашмалари ўз дастури ва низоми доирасида тадбиркорлик билан шуғулланиб, даромад олса-да, тушумлар аъзолар ўртасида тақсимланмайди. Ва яна жамоат бирлашмалари ихтиёрий асосда ташкил этилади ҳамда унда аъзолик мавжуд бўлади. Бундан ташқари жамоат аъзолари томонидан бадал тўлаш тартибига амал қилинади. Бу ўринда шуни ҳам унутмаслик лозимки, жамоат бирлашмаларига фуқаролар билан бирга юридик шахслар ҳам аъзо бўлиб киришлари мумкин.

(Давоми 2-бетда).

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитаси Мустақиллик ҳалқимизнинг XX аср сўнггида қўлга киритган улкан тарихий ғалабаси эканини, унинг ҳаётимизда алоҳида босқич, янги бир давр бўлиб қолишини назарда тутиб, қутлуғ анъанага айланиб қолган энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик кунини кенг нишонлаш мақсадида миллий қадриятларимизни, тинчлик ва осойишталикни, бунёдкор халқимиз яратувчилик фаолиятини мадҳ этувчи, Мустақилликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ижодий ғояларнинг ранг-баранг, бадиий жиҳатдан юқори даражада бўлишини таъминлаш мақсадида 2002 йил 1 майдан 15 июлга қадар қуйидаги йўналишлар бўйича республика очиқ танловини давом эттиради.

1. Мустақиллигимиз 11 йиллиги байрамининг бадиий-сиёсий ғоялари учун;
2. Пойтахтдаги асосий байрам томошасининг бадиий сценарийси учун;
3. Байрам томошасининг энг яхши сценографияси (бадиий безаги) учун;
4. Энг яхши мусиқа асарлари учун;
5. Энг яхши замонавий эстрада қўшиқлари учун;
6. Вилоятларнинг энг мукаммал бадиий дастурлари учун;

Танлов шартлари:

Тавсия қилинадиган бадиий дастурлар муаллифлари кўрсатилган йўналишлар бўйича якка тартибда ёки ижодий гуруҳ таркибида танловда қатнашишлари мумкин. Муаллифлар бадиий дастурларининг матнларида Мустақиллик байрамининг моҳиятини, миллий қадриятларимизни, тинчлик-осойишталик, тарихий-ижтимоий жараёнлари туб ўзгаришларни мадҳ этувчи саҳнавий кўринишларни байрамона, кўтаринки руҳда ифода этишлари, Мустақиллик туфайли республикада рўй бераётган ўзгаришларни, ислоҳотларни, янгиликларни ўзига хос бадиий шаклда ифода этмоқлари ҳамда уларда пойтахтимизнинг байрам ўтказиладиган Мустақиллик майдонини, Тошкент шаҳри майдонлари ва сайлгоҳларини ҳисобга олишлари шарт.

Бадиий дастурлар қўлёзмалари тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Байрам бадиий дастурлари бир ярим соатга мўлжалланиши ва компьютерда ёки машинкада 3 нусхада кўчирилган бўлиб, 30-40 саҳифадан ошмаслиги лозим.

Ғолиблар ҳайъат аъзоларининг очиқ йиғилишида овоз берувчиларнинг учдан икки қисми ёқлаши орқали белгиланадилар.

Ҳайъат танлов эълон қилинган кундан эътиборан иш бошлайди. Ҳайъат котибияти белгилаган кунда йиғилиш ўтказиб, ғолибларни аниқлайди.

Танлов ғолиблари қуйидаги тартибда тақдирланадилар:

Ижодий гуруҳлар учун:

I мукофот — 300000 (уч юз минг) сўм
II мукофот — 200000 (икки юз минг) сўм
III мукофот — 100000 (юз минг) сўм

Якка тартибда иштирок этганлар учун:

I мукофот — 100 000 (юз минг) сўм
II мукофот — 75 000 (етмиш беш минг) сўм
III мукофот — 50 000 (эллик минг) сўм

I мукофот соҳиблари пойтахтдаги асосий байрам томошасини саҳналаштириш жараёнида қатнашиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Мурожаат учун манзил:
Индекс 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Маданият ишлари вазирлиги, 1-қават, "Мустақиллик байрами танлови"га деб кўрсатилиши лозим.

Тел: 144-63-73

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА.

ЯДРОВИЙ СИНОВЛАРНИ ЯЛПИ ТАҚИҚЛАШ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Ядровий синовларни ялпи тақиқлаш шартномаси ташкилотининг ижрочи котиби Волфганг Хоффманн раҳбардигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти директори Равшан Алимов билан музокара ўтказди.

Мазкур ташкилот фаолияти дунёда оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик, бу борада ҳар қандай синовларга чек қўйишни таъминлашга қаратилган. Ҳозирги кунда кўплаб давлатлар, жумладан, Ўзбекистон ҳам ушбу ташкилотга аъзо. Мамлакатимиз мазкур ташкилот доирасидаги барча мажбуриятларини мунтазам бажариб келмоқда. Сир эмаски, халқаро терроризмнинг кучайгани ва оммавий қирғин қуролини қўлга киритишга ҳаракат қилаётгани халқаро ҳамжамиятни қаттиқ ташвишга солмоқда. Шу боис айни кунда оммавий қирғин қуролларининг тарқалишига қарши саъй-ҳаракатларни янада кучайтириш ғоят долзарб масалага айланган. Муаммони бартараф этиш учун кенг миқёсда давлатлараро ҳамкорлик талаб этилмоқда.

Институтдаги суҳбат чоғида минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, терроризмга қарши кураш ҳамда ядро қуроллари тарқалишининг олдини олиш масалалари билан боғлиқ тадқиқотлар хусусида сўз борди. Томонлар бу борада ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, ўзаро ахборот алмашувини кенгайтириш масалаларида фикр алмашди.

В.Хоффманн раҳбарлигидаги делегация мамлакатимизга ташрифи чоғида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ядро физикаси ҳамда Сейсмология институтларида ва Бухоро давлат университетида ҳам музокаралар ўтказди.

(ЎзА).

ИХТИЁРИЙ ТУЗИЛМА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Умуман олганда, фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва жамиятнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун хоҳиш-иродаларини эркин билдириш натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма жамоат бирлашмаси ҳисобланади. Мазкур тизимни шакллантиришнинг муҳим мезони демократик жараёнларни фаоллаштириш, кенг халқ оммасини бошқаришга жалб қилишни назарда тутади. Албатта, бу жараён ҳар бир фуқародан сиёсий, ҳуқуқий, маънавий юксакликни талаб этади. «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасида таъкидланганидек, жамоат бирлашмалари фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳамда эркинликларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш, фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамоат ишларини бошқаришда уларнинг иштирок этишини рағбатлантириш, касбкор ва ҳаваскорлик, илмий-техникавий ва бадиий ижодкорликни ривожлантириш ва бошқа хил фаолиятни амалга ошириш мақсадида тузилади.

Жамоат бирлашмалари таркибига сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, фахрийлар ва ногиронлар уюшмалари, илмий-техникавий, маданий-маърифий ва бошқа кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар, фондлар, ассоциациялар киради.

Конституциянинг 57-моддасига асосан конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмалар, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партиялар ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти таъқиқланади.

Таъкидлаш керакки, жамоат бирлашмаларининг энг оммавий шаклларидан бири сиёсий партиялардир. Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар.

Мамлакатимизда давлат органлари билан жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий муносабатлари шундай йўлга қўйилганки, давлат жамоат бирлашмалари шакланишининг ички тартиби ва фаолияти масалаларида уларнинг конституциявий мустақиллигини эътироф этиб, ички ишларига бевосита аралашмайди.

Қонунчиликда кўрсатилишича, жамоат бирлашмаларининг фаолиятини тугатиш, тақиқлаш ва чеклаб қўйиш унинг юқори органи ёки суд қарори асосида амалга оширилади. Бошқача айтганда, давлатнинг ўзи жамоат бирлашмалари тизимини шакллантириш ва ривожлантиришдан манфаатдор.

Статистик маълумотларга қараганда, Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 300 дан зиёд халқаро ва республика миқёсидаги, 2000 дан ортиқ маҳаллий мақомдаги жамоат бирлашмалари, жумладан, 4 та сиёсий партия, 3 та ижтимоий ҳаракат, 16 тармоқ касаба уюшмаси, 40 га яқин дўстлик жамияти, 40 дан ортиқ спорт федерацияси ва бошқа нодавлат ташкилотлар фаолият кўрсатиб келмоқда.

Турли миллат ва элатларнинг мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган илмий-маданий марказлари ҳам дўстлик, биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, миллий анъана, урф-одатларини сақлаб қолиш ва уларни янгича мазмун билан бойитишга салмоқли ҳисса қўшади.

Олий Мажлис таркибида янги — Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар, ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ва Омбудсманнинг фаолият юритаётгани ҳам Ўзбекистонда демократик жараёнлар чуқурлашиб бораётганлигидан далолатдир. Ушбу институт ўз навбатида, давлат ҳокимияти қарорлари ва қабул қилинган қонунларни амалга оширишда бевосита халқ назоратини кучайтириш, демократик институтлар, ноҳукумат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимини янада ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратади.

Умуман олганда, нодавлат нотижорат жамоат ташкилотлари фуқаролик жамиятининг ўзига хос пойдеворини ташкил қилади. Фуқаролар ушбу ташкилот, бирлашмалар орқали ўзларининг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва бошқа мақсадларини амалга оширадилар. Президентимиз таъкидлаганларидек, биз учун фуқаролик жамияти — ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўзини ўзи камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатларини, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла даражада рўёбга чиқаришга кўмаклашади.

Бугунги кунда мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўзига хос ҳуқуқий тизими яратилди ва бу жараён босқичма-босқич чуқурлашиб бормоқда. Жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашда бу тизим ўзининг муҳим ҳиссасини қўшмоқда.

Президент Ислом Каримов Олий Мажлиснинг саккизинчи сессиясида қилган маърузасида мамлакатимиз олдида турган муҳим ва долзарб вазифалардан бири — бу «кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш»дан иборатдир, деб таъкидладилар ва уни рўёбга чиқариш усулларини аниқ-равшан кўрсатиб бердилар. Бу ўринда Юртбошимиз томонидан «Нодавлат, жамоат тузилмалари ва уюшмаларини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларининг фаолият кўрсатиш кафолатлари ва шартлари тўғрисида» қонун ишлаб чиқиш, унда нодавлат тузилмаларини қўллаб-қувватлаш учун махсус жамғармалар ташкил этиш, уларни шакллантириш тартибини, жамоат тузилмаларини вужудга келтиришни рағбатлантиришга оид иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий механизмларни яратиш вазифалари қўйилган. Эндиликда мамлакатимизда фаолият юритаётган жамоат бирлашмалари ушбу қонун лойиҳасини тайёрлашда фаол иштирок этишлари лозим. Ҳар бир жамоат бирлашмаси ўз фаолиятидан келиб чиққан ҳолда, мавжуд муаммоларнинг ечими ушбу қонун лойиҳасида норматив қоидалар шаклида ўз мужассамини топишга интилмоғи лозим. Бу борадаги муаммоларни улардан кўра яхшироқ биладиган тузилмалар йўқ ва энг асосийси, бундай қонун қабул қилинишидан энг биринчи навбатда уларнинг ўзи манфаатдор ҳисобланади.

Эҳтимол, айрим оммавий жамоат бирлашмалари (ёшлар, фахрийлар, хотин-қизлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, спорт ташкилотлари)ни ташкил этиш тартибини соддалаштириш, уларнинг фаолиятини юридик шахс шаклида эмас, балки кўнгилли гуруҳ шаклида белгилаб қўйиш (биргаликдаги нотижорат фаолият) ва шартнома йўли билан тартибга солиш мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимиздаги кўпгина жамоат бирлашмалари бутун дунё миқёсидаги халқаро уюшмаларга аъзо бўлиб кирган. Бу ўринда ижодий уюшмалар, ногиронлар ва спорт ташкилотлари самарали иш олиб бормоқдалар. Келажакда бундай алоқаларни кенгайтиришнинг қулай ва содда тартибини ишлаб чиқиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Жамоат бирлашмаларининг самарали фаолият юритиши кўп жиҳатдан унинг аъзолари ҳуқуқий саводхонлигига ҳам боғлиқ. Жамоат бирлашмасининг ҳар бир аъзоси бирлашма ҳуқуқий мақомини, фаолият йўналишлари ва шаклларини аниқ билиши лозим. Шу сабабли ҳам мактабларда, бошқа ўқув юртларида ижтимоий, айниқса, ҳуқуқ фанларини ўқитишда бу масалага эътибор бериш керак.

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш тез ва осон кечадиган жараён эмас. Айни вақтда бу жараён натижасида давлат ўрнини мутлақо ижтимоий тузилмалар эгаллайди, деган содда тасаввурларга ҳам берилмаслик керак. Бу ўринда фуқаролик жамиятини шакллантиришда, биринчидан, давлат функцияларининг қисман жамоат бирлашмаларига ўтиши рўй берса (айниқса, маҳаллий бошқарув соҳасида), иккинчидан, давлат ҳокимиятини ташкил этишда (хусусан, қонун чиқариш, вакиллик органларини шакллантиришда) жамоат бирлашмалари фаол куч бўлиб қолади. Ва ниҳоят, жамоат назоратининг самарали усуллари ва шакллари ишлаб чиқилади ва жорий этилади. Жамоат назорати фуқаролар ва жамиятни ҳар хил қонунбузарликлар, мансабдор шахслар томонидан ўз ваколатларини суиистеъмол қилиш, коррупция, ҳар қандай ўзбошимчалик ва волюнтаристик қарорларни қабул қилиш ҳолларининг олдини олувчи самарали воситалар билан қуроллантиради. Энг асосийси, жамоат назорати тўғрисидаги махсус қонун уни амалга оширишнинг зарур шарти эканлигини унутмаслик лозим.

Мирзаюсуф РУСТАМБОЕВ,
юридик фанлари доктори, профессор,
ТДЮИ ректори.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасида Ўзбекистон Республикаси ва Америка Қўшма Штатлари ҳукуматлари ўртасида Тошкент шаҳрида АҚШ элчихонасининг янги биносини қуриш учун ер майдонини сотиб олиш тўғрисидаги шартномани имзолаш маросими бўлиб ўтди.

ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

Шартномани Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари М.Асқаров, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов ва АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Эдвард Ҳербст имзолади.

АҚШнинг дипломатик ваколатхонаси мамлакатимизда 10 йил илгари — 1992 йил 16 мартда очилган эди. Америка Қўшма Штатлари мустақил Ўзбекистонда дипломатик миссиясини очган биринчи давлат бўлди. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг жорий йил 11-14 март кунлари АҚШга қилган расмий ташрифи давомида имзоланган Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги декларация ўзаро муносабатлар тамойилларини белгилаб берди ва унда сиёсий, иқтисодий, гуманитар, ҳуқуқий ҳамда бошқа соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантириш кўзда тутилган.

Ташрифдан сўнг ўтган вақт мобайнида мазкур ҳамкорлик тамойил ва йўналишлари ўз ифодасини топмоқда.

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги муносабатлар ривожлангани сари элчихонанинг ҳозирги бинои ҳамкорлик даражасига жавоб бермаслиги маълум бўлди. Шу боис АҚШ томони Юнусобод туманидаги 4,5 гектар ер майдонини танлади.

(ЎзА).

ВАШИНГТОН МАРКАЗИДА САМАРҚАНД ДУРДОНАСИ

26 июнь — 7 июль кунлари АҚШ пойтахти Вашингтонда Буюк Ипак йўлига бағишланган фольклор фестивали бўлиб ўтади. Унда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидан келган уч юздан ортиқ санъаткор, халқ амалий санъати намояндалари, ҳунармандлар иштирок этади. Фестивалга ўзбекистонлик санъаткор ва ҳунармандлар ҳам таклиф этилган.



Мазкур фестивални ўтказиш ташаббуси машҳур виолончелчи Йо Йо Ма томонидан илгари сурилган. 1998 йили бу мусиқачи АҚШнинг энг йирик илмий масканларидан бири ҳисобланган Смитсониан институти рахбариятига мурожаат этиб, мазкур институт томонидан ўтказиладиган йиллик фольклор фестивалларидан бирини Буюк Ипак йўли мавзуига бағишлашни таклиф қилган. Мана, барча ташкилий ишлар ниҳоясига етгач, 2002 йил ёзида фестивал, ниҳоят, тантанали равишда очиладиган бўлди.

Фестивал кунлари иштирокчилар АҚШ Конгресси ҳамда Жорж Вашингтон ҳайкали ўртасидан жой олган улкан хиёбонда ўз маҳоратини намойиш этади. Шу ернинг ўзида Буюк Ипак йўли бўйида жойлашган қадимий шаҳарларда қад ростлаган энг гўзал обидалардан бештасининг улкан макетини қуриш ҳам кўзда тутилган. Хусусан, улар орасида қадим Самарқанд ва унинг энг гўзал ва пурвиқор масканларидан бири, Шарқ маданиятининг ноёб дурдонаси саналмиш Регистон майдонига марказий ўрин берилади.

Узоқ Америка диёрида бўладиган фестивалда Ўзбекистонга катта эътибор берилаётгани халқимизнинг қадим тарихи, маданияти, урф-одатлари Ғарбда жуда катта қизиқиш уйғотаётганидан яна бир далолатдир. Ўзбекистонлик санъаткорларнинг фестивалда иштирок этиши халқимиз маданиятини тарғиб қилиш ва дунёга янада кенгроқ ёйишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

(ЎзА).

Янгийўл шаҳридаги маданият ва истироҳат боғида ёзги мавсумга ҳозирлик кўрилди. Яқинда шаҳар ҳокимлигининг ташаббуси билан бу ҳордиқ чиқариш маскани тўла қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

ЯНГИ ИСТИРОҲАТ БОҒИ

Боғ замонавий тарзда бутунлай қайта жиҳозланди. Болалар учун турли хил ўйинлар ўйнайдиган аттракцион қурилмалар бунёд этилди. Шунингдек, боғда қариялар чойхонаси, ёшлар дискотека клуби ва чанқовбосди ичимликлар, музқаймоқ сотадиган қаҳвахоналар дам олувчилар ихтиёрига топширилди.

Ҳордиқ масканини қайта таъмирлаш учун 50 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Лекин унинг ҳаммаси ҳомий корхона ва тадбиркорлар томонидан ҳашар йўли билан амалга оширилди.

К. ҲОСИЛОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йил 14 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:/*

1 Австралия доллари	392,28
1 Англия фунт стерлинги	1052,35
1 Дания кронаси	88,44
1 БАА дирхами	195,83
1 АҚШ доллари	719,26
1 Миср фунти	155,68
1 Исландия кронаси	7,88
1 Канада доллари	462,13
1 Хитой юани	86,90
1 Малайзия ринггити	189,30
1 Польша злотийси	179,37
1 СДР	916,36
1000 Туркия лираси	0,52
1 Швейцария франки	452,31
1 ЕВРО	657,40
10 Жанубий Корея вони	5,64
10 Япония иенаси	56,52
1 Россия рубли	23,04
1 Украина гривнаси	135,02

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

Мамлакатимиз ички ва ташқи бозорини ривожлантиришда "Косонсой Текстиль" акциядорлик қўшма корхонасининг алоҳида ўрни бор. Мазкур корхонада тайёрланаётган турли хилдаги газламалар, ўн турдаги момиқ сочиқлар нафақат мамлакатимиз, балки хориж бозорларида ҳам ўз харидорларини топмоқда. Йилига бир миллион погонометр хом сурп, 300 минг погонометр тайёр газлама ишлаб чиқараётган корхонада 300 нафардан зиёд косонсойлик ёшлар меҳнат қилишаётир. Раъногон Сатторова ҳам ана шундай сергайрат ёшлар сирасидан. У қисқа давр ичида касб маҳоратини пухта ўрганиб, илғорлар қаторидан ўрин эгаллади. Шуниси эътиборлики, бу ерда меҳнат қилаётган ҳар бир ишчи, муҳандису хизматчининг ўз ўрни бор.

Суратда: илғор тўқувчи Раъногон Сатторова иш устида.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Яхшидир аччиқ ҳақиқат

Сувга тушган микроблар...

Зарафшон дарёси турли замонларда Политимет, Руди Мосаф, Водий ус-Сўғд, Наҳр ул-Бухоро, Дарёйи кўҳак каби номлар билан аталган. У Туркистон, Олой ва Зарафшон тизма тоғлари туташган жой — Мастчоҳдан бошланади. Панжикент, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Навоий ерларини бахраманд этиб, сўнгра Бухоро сари йўл олади. Кейинги йилларда Зарафшон сувининг кескин камайиб кетганлиги ҳаммага маълум. Аммо ҳозир гап бошқа мавзуда...

Қадим-қадимлардан халқимиз сувни кўз қорачиғидек асраган. Уни улуғлашга, увол қилмасликка, пок-тоза сақлашга даъват этган. Сувга чиқинди ташлашни айб, увол ҳисоблаган. Ҳаттоки ариқда юз-қўл ювишни инсофсизлик, деб билган. Сабаби — оқаётган оби-ҳаётга энг бебаҳо неъмат, деб қараган.

Шу билан бирга, халқимизда «Сув етти думаласа, ҳалол бўлади» деган нақл ҳам бор. Афсуски, Зарафшон дарёсида сув қуну тун оқсада, у тоза бўлиш ўрнига баттар ифлосланаяпти. Мустабид тузум даврида оқибати ўйланмай соҳиллар бўйида қурилган молхоналар, саноат корхоналари бунинг асосий сабабчисидир.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Навоий вилоят бўлими маълумотларига қараганда, Зарафшон дарёсининг шу ҳудудга кириш нуқтасида сувдаги минералларнинг миқдори меъёридан 2,6-3,7 марта, шу жумладан, сульфат ионн 3,2-5,3, нитрат ионн 1,8 баравар юқоридир.

Хўш, вилоят ҳудудидан чиқишдаги дарё сувининг ҳолати қандай? Бир сўз билан айтганда, жуда ёмон: юқоридаги рақамлар 2-3 баравар катталашади. Сабаби аниқ: масъулиятсизлик ва лоқайдлик. Аммо мутахассисларнинг фикри бошқача: дарё сувининг камлиги, яъни суюлтиришга етмаётганлиги, ташланаётган оқаваларнинг зарур даражада тозаланмаётганлиги, ерларнинг шўрланиши ва ер ости сувлари кўтарилишининг олдини олиш мақсадида зах сувларнинг қўшилиши, қирғоқларнинг ҳимояланмаганлиги бунга сабаб бўлаётир. Шундай ҳам бўлсин, дейлик. Лекин Навоий ГРЭСининг 2,3-шартли ташламаларида ва 77-қудуқда ёғ-мой моддалари меъёридан бир неча баравар ортиқлигини, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1,2-шартли ташламаларида муаллақ моддалар миқдори 3,2, ёғ-мой моддалари 3-4 мартагача кўплигини қандай изоҳлаш мумкин? Шартли тоза (?) деб баҳоланган сув ёз ойларида Навоий туманидаги Ибн Сино номли, «Ўзбекистон», Қодир Раҳимов номли ширкат хўжаликларида техник экинларга оқизилаётганига, қиш даврида эса тўғридан-тўғри дарёга ташланаётганига нима дейсиз? Тўғри, бу борада ўзгаришлар ясашга уринишлар бўлаяпти. Аммо бундан чиқинди сувлар тозаланаяпти, деган хулоса чиқмайди.

Вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати бош врачи Ғофур Умаровнинг фикрича, дарё сувининг 15 жойидан унинг бактериологик ва кимёвий таркибини ўрганиш мақсадида намуналар олиниб, кузатиб борилмоқда. Сув таркибида турли юқумли касалликларни келтириб чиқарувчи микроблар шунчалик кўпки, ҳайратдан ёқа ушлайсан, киши. Тегишли ташкилотларга бу ҳақда хатлар жўнатиляпти, аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари юритилмоқда. Лекин буларнинг бари кутилган самарани бермаяпти. Чунки дарё сувининг ўта даражада ифлосланишига Самарқанд суперфосфат ва Каттақўрғон ёғ-мой заводларининг чиқиндилари ҳам ўз «ҳиссасини» қўшаётир. Устига устак, бу вилоят ҳудудидаги 7 та жойда оқава сувларнинг дарёга қўшилиши аҳволни мураккаблаштирмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги «Зарафшон дарёси ҳавзасида экологик ва санитария-эпидемиологик вазиятни яхшилаш тўғрисида»ги 401-сонли қарорига мувофиқ, бу борада вилоятда бир қатор тадбирларни амалга ошириш белгиланган эди. «Маликчўл» массивида 34 километр узунликда зовур қазиш, унинг сувини дарё остидан ўтказиб, «Дул-дул» каналига ташлаш, Хатирчи туманидаги 53,9 километрлик «Оқолтин-1», «Оқолтин-2» зовурларини таъмирлаб, марказий зовурга улаш, Навбаҳор туманидаги 45,8 километрлик марказий зовурни «Дул-дул» каналига боғлаш, 50,6 километрлик «Оёқ оғатма» ва «Дул-дул» каналларини қайта таъмирлаш, дарё бўйидаги иншоотларни кўчириш, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг оқава сувларини тозалаш иншоотларини кенгайтириш шулар сирасига киради. Ўтган даврда вилоят корхоналарида сув ресурсларини тозалаш бўйича 225 миллион 600 минг сўмлик иш уддаланганини ҳисобламаганда, микёси ва кўлами кенг ана шу юмушларнинг ижросидан асло кўнгил тўлмайди. Бунинг устига, бундан 14 йил аввал бошланган Навоий шаҳар оқова сувларини биокимёвий усулда тозалаш иншооти (БХО)ни кенгайтириш ишлари тақатақ тўхтаб қолгани ачинарлидир. Хатирчи, Навоий туманлари ҳудудларида дарё бўйича қурилган молхоналар ҳамон кўчирилганича йўқ. Не-не кимёвий дориларни олиб келаётган зовурлар сувининг дарёга қўшилаётгани эса ортиқча.

Энди ўйлаб кўринг: табиатга етказилаётган мисли кўрилмаган миқдордаги зарарларни арзимаган жарима солиш орқали қоплаш мумкинми? Дарвоқе, ўша жарималар кимнинг чўнтагидан чиқаяпти?

Мутахассислар томонидан бултур 59 ҳолатда қонунбузарлик ҳолатлари аниқланиб, 56 нафар мансабдор шахсдан 275 минг сўм жарима ундириб олинган. Санитария-эпидемиология назорати идораси томонидан эса 26 кишига 251 минг сўмлик жарима қўлланилган. Бу маблағ ҳисобига ҳозирги шароитда қандай юмушларни бажарса бўлади?

Бугун навоийликлар «Наҳотки, сув тозаловчи иншоотларни тартибга солиш, кенгайтириш шунчалик мушкул иш бўлса? Корхоналарнинг оқава сувлари тоза ҳолда дарёга туширилса, унинг савобига не етсин! Дарё дарёга ўхшаса, унда тиниқ сув оқса», дейишмоқда. Зеро, шундагина дарё суви экологик мувозанатни сақлаб, инсонлар соғлиғини муҳофаза этишда катта ёрдам беради.

Оқар сув — кўпчиликнинг насибаси, уни ифлослантирган рўшнолик кўрмайди. Халқимизнинг бу каби ҳикматлари бежиз айтилмаслигини унутмайлик. Шунчалик нохуш манзаранинг келиб чиқишига сабаб бўлаётган кишиларга нима деса бўларкин?

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Аброр ОРИПОВ чизган расм.

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИЛК КОРПОРАТИВ ОБЛИГАЦИЯЛАР

Банкларо молия хизматлари марказида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган компаниялар чиқарган корпоратив облигацияларнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Корпоратив облигациялар чиқариш Ўзбекистон иқтисодиётига сармоя жалб қилишнинг ўзлаштирилаётган янги усулларидан биридир. Ўз корпоратив акцияларини чиқарган "N.Com" қўшма корхонаси, "NCI Projects Inc." шўъба корхонаси ва "Асклепий" фармацевтика компанияси бу борадаги қалдирғоч ташкилотлар ҳисобланади. Улар чиқарган облигацияларнинг умумий қиймати 770 миллион сўмни ташкил этди.

Бундай облигациялар молия соҳасида корхоналарга сармоя жалб қилишнинг муқобил йўли ҳисобланади. Ҳозирги вақтда корхоналар асосан банк муассасаларининг кредитларидан фойдаланиб келади. Корпоратив облигацияларнинг кредитлардан афзаллиги уларда фоиз ставкаларининг паст бўлиши ва ётқизилган маблағни 1-2 ойда қайтариб олиш имкониятидир.

Маросимда Ўзбекистон Фонд биржасида корпоратив облигацияларнинг иккиламчи савдоси учун махсус жой ташкил этилгани маълум қилинди. Халқаро савдо синдикатига кирувчи Буюк Британиянинг "Carthill Assests Management Company" молия ташкилоти вакилларининг сўзларига қараганда, энди Ўзбекистонда корхоналарни корпоратив облигациялар орқали молиялаш усули кенг ривожланади. Ҳозирданоқ турли корхоналар билан бир неча миллиард сўмлик облигациялар чиқариш бўйича музокаралар бошланганн бунинг далилидир.

Элмурод ЮНУСОВ,
ЎзА мухбири.

Фанимиз заҳматкашлари

ЎЗИМИЗНИНГ РТВЕЛАДЗЕ

Қизиқ, ўшанда ўлкашунослик жамиятига аъзо бўлмаганида, ўн олтига тўлар-тўлмас экспедицияларда иштирок этмаганида, конференцияларда ўз юрти овулларидан бири ҳақида маъруза қилмаганида йирик олим, Ўрта Осиёда археологик илмий мактабнинг асосчиларидан бири Михаил Евгеньевич Массон билан учрашиш қаёқда эди. Олим ҳам шунча тенгдошлари ичидан Эдварднинг олдига келиб, Тошкент давлат университетига ўқишга киришни тавсия қилди. Гап орасида ўзи ўша ердаги тарих факультетининг археология кафедраси раҳбари эканини ҳам қистириб қўйди. Бундай таклиф ҳар кимга ҳам қилинмаслигига ақли етса-да, барибир йигитча иккиланди. Тўғри, мактабда ўқиб юрган пайтларидаёқ у саёҳатчилар ҳаёти, археологик топилмалар, кашфиётларга жуда қизиқар, шу ҳақда кўп китоблар ўқирди. Ҳатто Ўрта Осиё тарихи билан боғлиқ китоблар ҳам қўлидан тушмасди. Беруний, Ибн Сино сингари алломаларни «танигани»да ҳайратлангани-чи?

Энди эса у икки йўл ўртасида қолди. Нима қилсин, ўзи туғилиб ўсган грузин шаҳри Боржоми, Массон, унинг рафиқаси Пугаченковага йўлиқтирган Кисловодскни, ота-онаси, акаси, опаларидан узоқлаб ўқишга — Тошкентга кетсинми, ё... У шу йўлни танлади. Қалбида ўзи севган, ёқтирган, муҳими, қизиққан соҳага интиқлик устун келди. У дастлаб Массон ва унинг талабалари билан Марвда экспедицияда иштирок этди. Бир олам таассурот билан энди Кисловодскка қайттанида Галина Анатольевнанинг мактуби, Каттақўрғондаги қазишма ишларига қилган таклифи, тўғрироғи, Осиё жозибаси уни тинч қўймади. Олтмиш иккинчи йили илк марта Тошкентга, тўппа-тўғри устозлари ўйига кириб борди. Тақдирнинг илк иноятимиди — бу, ўзи ҳам билмайди.

Археолог олим Баҳодир Турғунов ҳикоя қилади: 1972 йилнинг қуз ойлари эди. Тушликка яқин Далварзинтепада ишлаётгандик. Қадимий шаҳарнинг бой-зодагонлари яшаган маҳалладаги уйларнинг биридан сопол кўзада олтин топилди. Мен, Татьяна Беляева исмли қадимшунос, илмий ходим Эдвард Ртveладзе ва бошқалар билан биргаликда ёмбиларни бирма-бир санаб, далолатнома тузиб, уларни тахладик. Шу кеча ҳеч кимнинг кўзига уйқу келмади. Тонг отарда Эдвард билан Деновдушанбе йўналишидаги биринчи рейс автобусда Душанбега йўл олдик. Ёмбилар жойлаштирилган сумкалар ва кичик қутичалар ичидагини биров кўриб қоладигандек, уларни қучоқлаб олганимизни кўрсангиз эди. Шу куни тушдан сўнг амаллаб Тошкентга, институтга етиб келдик. Аксига директоримиз Воҳид Зоҳидов ҳам хизмат юмуши билан театрда экан. Эдвард Пугаченкованинг уйига кетди. Ҳамма йиғилгач, раҳбарлар Марказқўм билан боғланишди. Буёғи шу даража тезлашиб кетдики, мен ҳам, Эдвард ҳам довдираб қолдик. Шароф Рашидов қабулига кириб борганимиздагина нима ишлар қилиб юрганимизни пайқагандек бўлдик, иккимиз ҳам. Чунки топилмаларни узун стол устига тера бошлаганимизда ёмби, билакузуклар, шодаларни дуч келган эски сочиққа, майка, кир кўйлаклар, дастрўмолларга ўраб ташлаганимизни сезиб қолдик. Хижолатдан бош кўтара олмасдик. Далварзинтепадан бундай топилма топишни туш кўрибмизми? Бизни хижолатдан қутқариб:

— Қандай қилиб қўрқмасдан, шунча жойдан бир ўзларингиз олиб келдинглар, ахир милисияга мурожаат қилсаларинг бўларди-ку? — деди Ш.Рашидов.

— Ортиқча шов-шув кўтармай шундай қилсак яхши бўлар, деб ўйлаган эдик, — деб жавоб қайтардик бир-биримизнинг гапимизни тўлдириб.

— Ҳа, майли, боплабсизлар, яшанглар, — дедию телефон гўшагини кўтариб, рақамларни тера бошлади.

Хуллас, минг чиғириқдан ўтиб, хазинани давлат банкига топширишга муваффақ бўлганмиз...

Эдвард Ртveладзе учун бу ҳам тақдири азалнинг бир иноятн бўлганмиди ўшанда. Кейинчалик бу топилма бутун институтда, экспедиция аъзолари орасида шов-шув бўлиб кетди. Йигитларни ким кўрса «Ўзларингга ҳам қолгандир-а», дегувчилар кўп бўлди. Йўқ, касбини ардоқлаган, севган, шунинг орқасидан фарзандларига ҳалол луқма тутган инсон ўз соҳасига хиёнат қилмайди. Форобий таъбири билан айтганда, «Олим бўлишга аҳд қилган одам ўз илмини касб қилиб олмаслиги лозим». Бу фикр худди Э.Ртveладзе тоифасидаги фузалолар ҳақида айтилганга ўхшайди, гўё.

* * *

Э.Ртveладзе ҳаётидаги, иш фаолиятидаги экспедицияларнинг саноғи йўқ. Ўша ўсмирлигида бошланган, ўзининг таъбирича, «дайди»лиги ҳали ҳануз давом этади. Талабалик йиллари Галина Пугаченкова билан бирга бошланган Чўянчитепадаги дастлабки ишлари уни кейинчалик Марказий Осиёдаги қадимги ва буюк Кушон давлати тарихи билан боғлаб қўйди. Унга қадимги Бақтрия ҳам қўшилди. 70-йиллар охирида археологлар Э.Ртveладзе ва М.Исҳоқовлар экспедицияси Чағониён пойтахти бўлмиш Будрач шаҳри харобаларида иш олиб борди. Бу ердаги қазув-қидирув ишлари унчалик катта бўлмасада, бироқ унинг тарихий босқичларини тадқиқ этиш имконияти юзага келган эди. Бу эса Бақтрия-Тоҳаристон шаҳарларининг қадимги ва ўрта аср давридаги тараққиёти қонуниятларини аниқлаш учун ниҳоятда муҳим бўлган. Чунки бу шаҳарлардан кўплари ўрта асрларгача сақланмаган ва IV-V асрларга келиб йўқ бўлиб кетганди. Будрач шаҳри эса бундан мустасно, яхши сақланган. Афтидан, милоддан олдинги биринчи ва милоднинг I асрларида бу ерда турар жой барпо бўлган. Кушон подшоҳлиги тараққий эта бориб, маълум даражада йирик шаҳарга айланган.

Будрач харобаларидан чиққан топилмаларни тўплаш жараёнида шаҳарнинг милоднинг дастлабки асрларидан бошлаб, сўнгги ўрта асрларгача кечган даврдаги ҳаёти ва маданиятини акс эттирувчи турфа хил ашёлар топилди. Булар орасида сопол ҳайкалчалар эътиборга молик эди. Айниқса, тангалар яхши сақланган. Уларнинг кўплари ҳозиргача фанда маълум бўлмаган ва нодир саналади. Топилмалар шаҳарнинг сиёсий тарихи ва ундаги товар-пул муносабатлари тараққиёти борасида мутлақо янги маълумотлар берарди. Ўрни келганда шуни айтиш жоизки, Ртveладзе илмий фаолияти мобайнида нумизматика билан алоҳида шуғулланди. Темурийлар даври, Чоч, Тоҳаристон, Кешдан топилган тангаларни ўрганди. Уларнинг ясалиши, ўша давр пул муомаласи масалалари билан қизиқди. Шу тариқа Голландия Нумизматика жамиятига аъзо бўлди.

1979 йил ёзида Боботоғ этакларида канал қазиш вақтида қадимий қабрлар очилди. Қабристондаги топилмалар, ўзига хос кўмиш маросими ашёлари бўлган мозорат ҳали бу вилоятда учрамаганди. Ҳозир бу қабристон фанда у жойлашган ернинг номи билан Биттепа (афтидан бу номом «битик» — «ёзув» сўзидан келиб чиққан бўлса керак) деб юритилади. Мазкур хилхоналарда мурдалар чалқанча ётқизилган. Дафн ашёлари ҳам ҳар хил. Қуруқат деган жойдаги қабристонларда эса суяклар олдиндан тозаланган ҳолатда, тўплаб хумларга ва катта сопол идиш (оссуарий)ларга солиб кўмилган...

* * *

Ўтган йили мустақиллик айёми тонгида уйига кимдир қўнғироқ қилди. Ўшанда гўшакни Ртveладзенинг ўзи кўтарганди. Узоқдан таниш овоз янгради.

— Эдик ака, мен... — овоз бирдан йўқолди. — Сизни мукофот — «Буюк хизматлари учун» ордени билан табриклайман... — яна овоз йўқолди. — Ака, бир келинг, ўша кийиб юрадиган чопонингиз турибди. Ўзим бир палов ясай...

«Эдик ака» ҳам ўзбекчасига «Катта раҳмат, соғ бўлинг», дейиши билан телефон узилди. Рафиқаси Лидия Львовнанинг «Ким экан?» деган саволига елка қисди. Нонуштага ўтиргандагина эслади. «Ахир, бу сурхондарёлик Барот-ку. Воҳада ишлашганимизда бир-икки марта шу йигитникида қолиб кетгандим. Мукофот олганимни қаердан билибди. Уларга газета кечикиб борарди-ку. Оббо шоввоз-ей, одамни жуда хурсанд қилди-я», ўйлади Ртveладзе. Тўғри, у умри давомида кўплаб мукофотлар, унвонлар соҳиби бўлди. Оддий илмий ходимликдан академик даражасигача кўтарилди. Бироқ бу мукофотнинг қадри ўзгача. У мустақил Ўзбекистон ордени эди...

Унга «Эдик ака» деб мурожаат қилишса, мийиғида кулади, лекин бундай чақиришгани хуш ёқади. Илк экспедицияларда қатнаша бошлаганида қишлоқ оилаларида кўп қолиб кетарди. Шамчироқ ёруғида чопонга ўралиб олиб, қумғонда қайнатилган чойни ичишга нима етсин. Бу унинг энг севимли иши эди. Қишлоқларда уни ўзбек деб, ўзбекча муомала қилишарди. Ртveладзенинг боши бундан кўкка етарди. Унинг ажойиб табиати бор. Кексалар даврасида отахонга, ёшлар ичида университетни битириб, Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида иш бошлаган кезларидагидек йигитчага айланади.

Олим ёзма манбалар билан кўп танишди. Ҳар бир давлат, шаҳар тарихини ўрганганда албатта уларнинг этнографияси, ёзма ёдгорликларига алоҳида эътибор берди. Бақтрия подшоҳлиги таркибидаги, Тоҳаристон вилоятларидан бири бўлган Чағониён тарихини ўрганаркан, бу ердаги бир қанча аҳоли масканлари ҳақида битиклардан маълумотлар тўплади. Шунингдек, жой номлари каталогини тузди. Бу ўринда унга чет тилларни яхши билиши қўл келди. Бир сафар журналистлар даврасида «Қайси тилларни биласиз?» деб савол беришганида у ўзбек, грузин, араб, форс, француз тилларини санади-да, кейин «Истасангиз, қадимги бақтрия тилида ҳам гаплашишимиз мумкин», деганди кулиб. Эрамиздан аввал, минг йилликлар наридаги гуллаб-яшнаган, харитадан ўчиб кетган Бақтрия тили, дини, тарихи, маданияти, савдо-сотиқ алоқаларини Эдвард Васильевич қирқ йилдан ортиқроқ вақт ўрганди. Тангалардаги ёзувларни ўқишга ҳаракат қилди. Чунки докторлик илмий ишининг мавзуи ҳам Бақтрия ва Тоҳаристоннинг тарихий-маданий тараққиёти билан боғлиқ эди. Олимнинг шу йўналишдаги қатор илмий тадқиқотлари Шарқ цивилизацияси бешиги бўлмиш қадимий давлатнинг қайта «тирилиши»да асос бўлди...

* * *

Э.Ртveладзе бошлаган ишини охирига етказмагунча тинчимайдиган, эришган муваффақиятида тўхтаб қолмайдиган олим. Қаерда археологик иш олиб борса, топилмалар устида атрофлича, кенг кўламда тадқиқот ўтказади. Устози Г.Пугаченкова билан Кушон давлати бўйича иш олиб бораётганда Шарқ динлари тарихи масалалари билан қизиқди. Монийлик, будда, зардуштийлик дини тарихини ўрганди. Қазилмаларда топилган тангалар устидаги тадқиқотлар уни археология фани учун яна бир ютуқ бўлган қадимги Шарқда пул-товар муносабатларини тадқиқ этишга ундади. Унинг бу масалаларга бағишланган монографиялари АҚШ, Япония, Франция ва яна бир қанча давлатларда таржима қилинган. Боннда эса унинг таҳрири остида ўзбек, рус, инглиз ва япон тилларида тайёрланган «Темурийлар сулоласи даври тангалари» номли китоби чоп этилди. Айниқса, «Буюк Ипак йўли» китобини йиллар давомидаги орзу-режалари жамланмаси, дейиш мумкин. Бу — муаллифнинг мустақиллигимиз ўн йиллигига туҳфаси бўлганди.

Йигирмага яқин бундай монографиялар, олти юздан ортиқ илмий мақолаларнинг дунё юзини кўриши, одамларга янгилик айтиши осон кечган эмас. Бунинг барча қийинчиликларини фақат Эдвард Васильевичнинг ўзи билади. Биладию, лекин достон қилиб ўтирмайди. Бир ишини якунладими, навбатдагисига киришади. Устози шундай эди, қизиғи шундаки, шогирдлари ҳам ўзидан андоза олишган. Кишида бу даража чуқур билим, теран мушоҳада бўлиши учун у ўз соҳаси оламига буткул сингиб кетган олим бўлиши керак. Абдураҳмон Жомий шундай дейди: «Қўлидан келганча нарсалар ҳақидаги ҳақиқатни билишга интилган ва билганларидан фақат кераклигини ишларига раҳнамо қилган ва шунигина нафсининг маликаси деб билган кишини донишманд киши дейдилар». Эдвард Ртveладзе шундай инсон. Бу унинг тақдирига битилган. Тақдири эса Ўзбекистон тарихи, маданияти билан боғланиб кетган. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди...

Умида ФАЙЗИЕВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Янги ассоциация иш бошлади

Барчамизга маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда иқтисодий билим асослари, компьютер технологиялари, физика, кимё каби фанлар билан бир қаторда чет тилларни ҳам ўрганишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Боиси, тил азал-азалдан халқлар ўртасидаги алоқаларда ўзига хос кўприк вазифасини ўтаган. Ва бугун ҳам чет тиллари ана шу муҳим вазифани бажариб келмоқда. Шу муносабат билан ЎзДЖТУ қошидаги Тил марказида инглиз тили ўқитувчилари ассоциациясининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси Жон Хёрбст, олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов, халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Р.Аҳлиддинов ва бошқа бир қанча ташкилотлар, хусусан, АКСЕЛС, АЙРЕКС, Британия Кенгаши вакиллари ҳамда мактаб, турли олий ўқув юртлари ўқитувчилари иштирок этдилар. АҚШ Тинчлик Корпусининг собиқ вакили, доктор Майкл Бенсон мазкур ассоциациянинг администратори этиб тайинланди. Маросим чоғида ўқитувчиларнинг фикри билан қизиққанимизда, Тошкент давлат техника университети қошидаги лицей-интернатнинг инглиз тили фани ўқитувчиси Қутби Ҳикматова шундай деди:

— Мазкур ассоциациянинг очилиши биз ўқитувчилар учун жуда кенг имкониятларни яратади. Илгариги дастур бўйича оддий, бир хил йўналишда дарс берар эдик. Энди ўз малакамизни оширганимиздан сўнг, умуман, янгича, ўқувчиларни замонавий янгиликлардан бохабар этган ҳолда дарс ўтамиз.

Ассоциациянинг энг муҳим жиҳати унда нафақат олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, шунингдек, мактаб ўқитувчилари ҳам ўз малака ва тажрибаларини бойитадилар.

Райҳон ХОЛМУРОДОВА.

Камалак жилоси – болалар расмларида

Пойтахтимиздаги замонавий санъат марказида "Соғлом авлод учун" халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси томонидан ташкил этилган республика меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида "Камалак жилоси" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Ушбу кўргазма ҳар йили ўтказилиб келинади. Қорақалпоғистон Республикасидаги 1-меҳрибонлик уйининг 12 ёшли тарбияланувчиси Равил Бакиров ўз ишини "Менинг Ватаним" деб номлаган. Ёш рассом чизган расмда жонажон диёримизнинг гўзал табиати акс эттирилган.

Кўрик-танлов Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси Фан ва таълим маркази, республика Бадиий академияси ҳамда бадиий кўргазмалар дирекцияси ҳамкорлигида Вазирлар Маҳкамасининг "Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ижроси доирасида ўтказилди. Кўргазманинг очилиш маросимида республикамизнинг қатор вазирликлари ва жамоат бирлашмалари раҳбарлари, Ўзбекистонда фаолият юритаётган хорижий дипломатлар, "Соғлом авлод учун" жамғармасининг ҳамкорлари — хорижий фирма ва компаниялар вакиллари иштирок этди.

Кўргазмада 100 га яқин ишлар, яъни болалар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи пейзажлар, натюрмортлар, сюжетли расмлар, эртакларга битилган безаклар, шунингдек, ёш усталар тайёрлаган саватлар, ёғоч ўймакорлиги намуналари, турли хил ип ва қоғозлардан тайёрланган буюмлар намойиш этилган. Ҳайъат аъзолари Тошкент вилоятидаги 125-ихтисослаштирилган интернатнинг олтинчи синф ўқувчиси Равшан Уздибоевни расмлар номинацияси бўйича биринчи ўринга лойиқ деб топишди. Амалий санъат танловида эса Андижон вилоятидаги 2-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Олия Мирбобоева ғолиб бўлди.

Шунингдек, кўргазма доирасида Тошкентдаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида энг яхши болалар расми танлови ҳам бўлиб ўтди. Болалар шу ернинг ўзида томошабинлар кўз ўнгида расм чизишди. Ушбу танловда пойтахтимиздаги 23-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Дилдора Аҳмедова биринчи ўринни эгаллади.

"Соғлом авлод учун" жамғармаси бошқаруви раиси О.Мусурмонова ва Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Т.Қўзиев танлов ғолибларини табриклади. Энг яхши асарлар муаллифларига дипломлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

ҚАДРИЯТЛАРНИ АНГЛАШ – ДАВР ТАЛАБИ

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида миллий ўзликни англаш ва давлатчилик масалаларига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Очиқ жамият институти ва АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан ташкил қилинган мазкур тадбирда АҚШ, Қирғизистон, Қозоғистон ва Тожикистондан келган олимлар ҳамда Тошкентдаги олий ўқув юртлари талабалари иштирок этди.

Анжуманда давлат қурилиши, миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш ва халқаро терроризмга қарши кураш билан боғлиқ муаммолар муҳокама қилинди. Таъкидландики, миллий ўзликни англашнинг энг асосий шартларидан бири миллатнинг ўз тили, маданияти ва ғоясига эга бўлишидир. Миллий ғоя ўзликни англашнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Халқ миллий ўзлик тушунчасини тўла англаб етсагина, хавф-хатар олдида жипслашади, тараққиёт сари жадал одимлайди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ректори А.Комилов, АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ж.Хёрбст сўзга чиқди.

Шаҳноза МАТНАЗАРОВА (ЎзА).

PARVINA

«ПАРВИНА-М» ФИРМАСИ

ҚУЙИДАГИЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ:

МУЗҚАЙМОҚЛАР:
30 хилдаги музқаймоқлар, 15 хил эскимо, 6 хил брикетли, 6 турдаги вафлилик стаканчалар,
ШАКАР-ҚИЁМ (глазурь):
шоколадли, цитрусли, мевали ва сутли,
«ПАРВИНА» ПЛИТКАЛИ ШОКОЛАДЛАР,
шунингдек кенг турдаги
СУТ МАҲСУЛОТЛАРИ:
творог, сметана, эритилган пишлоқлар, қадоқланган ва қадоқланмаган сарёғ ва колбасали пишлоқ.

Тўлов шакли — турлича!

МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ТРАНСПОРТИДА ЕТКАЗИЛИШИ МУМКИН.

НАРХЛАР ЖУДА АРЗОН!

Манзилимиз: Самарқанд шаҳри, Фирдавсий кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: (3663) 33-77-83, 31-07-01, факс: (3662) 33-02-82.
e-mail: parvina@online.ru
Тошкентдаги телефон: 173-26-13.

5741/874

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

қуйидаги кафедралар бўйича ўқитувчилик лавозимларига танлов эълон қилади:

саноат дизайни (доп.-2, катта ўқитувчи-3); машинасозликда иқтисод ва бошқарув (доп.-2, катта ўқитувчи-2); саноат менежменти (доп.-2, катта ўқитувчи-3); энергетика иқтисодиёти ва ташкиллаштириш (проф.-1, доп.-2, катта ўқитувчи-2); тоғ-кон ва геология қидирув ишлари иқтисодиёти ва ташкиллаштириш (доп.-1, катта ўқитувчи-2); иқтисодиётда ахборот тизимлари (доп.-3, катта ўқитувчи-2); фойдали қазилмаларни қидирув усуллари ва техникаси (доп.-1, катта ўқитувчи-2); фойдали қазилма конларини қидиришнинг геофизик усуллари (доп.-1, катта ўқитувчи-2); гидрогеология ва муҳандислик геологияси (проф.-1, доп.-2); геодезия ва маркшейдерия (доп.-2, катта ўқитувчи-2); фойдали қазилма конларини қазиб олиш (проф.-1, доп.-2, катта ўқитувчи-1); металлургия (доп.-1, катта ўқитувчи-1); кон электромеханикаси (доп.-2, катта ўқитувчи-2); геология (доп.-2, катта ўқитувчи-1); минералогия, петрография ва ҳудудий геология (проф.-1, доп.-2, катта ўқитувчи-1); ҳаёт фаолияти хавфсизлиги (доп.-2, катта ўқитувчи-3); фойдали қазилмани бойитиш (доп.-2, катта ўқитувчи-1); нефть ва газ конларини излаш ва қидирув (проф.-1, доп.-1, катта ўқитувчи-1); нефть ва газ конлари геофизикаси (катта ўқитувчи-2); нефть ва газ конлари ишлаш ва ишлатиш (проф.-1, доп.-3, катта ўқитувчи-1); нефть ва газ конларини жиҳозлари ва машиналари (доп.-2, катта ўқитувчи-1); газ-нефть қувурлари, омборларни лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланиш (доп.-3, катта ўқитувчи-4); нефть ва газ конларини бурғулаш (проф.-1, доп.-2, катта ўқитувчи-1); саноат экологияси (доп.-3, катта ўқитувчи-1); нефть ва газни қайта ишлаш технологияси (доп.-3, катта ўқитувчи-1); муҳандислик биотехнологияси (проф.-2, доп.-1); геология, нефть-газ муҳандислик педагогикаси (доп.-1, катта ўқитувчи-1); электр станциялари (доп.-2, катта ўқитувчи-3); электр тизимлари ва тармоқлари (доп.-3, катта ўқитувчи-1); электр таъминоти (проф.-1, доп.-3, катта ўқитувчи-2); гидроэнергетика ва қайта тикланувчан энергия манбалари (доп.-2, катта ўқитувчи-1); иссиқлик электр станциялари (доп.-4, катта ўқитувчи-1); саноат иссиқлик энергетикаси (доп.-5, катта ўқитувчи-1); электромеханика (проф.-2, доп.-3, катта ўқитувчи-2); электр юритгич ва саноат қурилмаларини автоматлаштириш (доп.-4, катта ўқитувчи-4); назарий ва умумий электротехника (доп.-2, катта ўқитувчи-1); энергетика соҳалари муҳандислик педагогикаси (доп.-1, катта ўқитувчи-1); иссиқлик техникаси назарияси асослари (доп.-1, катта ўқитувчи-2); машинасозлик технологияси (доп.-5, катта ўқитувчи-1); пайвандлаб ишлаб чиқариш технологияси ва жиҳозлари (доп.-1, катта ўқитувчи-2); ички ёнув двигателлари (доп.-1, катта ўқитувчи-1); материалшунослик ва қуймакорлик (проф.-1, доп.-1, катта ўқитувчи-2); металлар технологияси ва босим билан ишлаш машиналари (доп.-1, катта ўқитувчи-3); совутгич, компрессор машиналари ва қурилмалари (доп.-1, катта ўқитувчи-2); қишлоқ хўжалик машинасозлиги (проф.-2, катта ўқитувчи-1); машиналарни лойиҳалаш асослари (доп.-4, катта ўқитувчи-1); деҳқончиликни ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашни механизациялаш (доп.-3); автоматлаштирилган ва автоматик дасттоҳлар тизимлари ва мажмуалари (доп.-2, катта ўқитувчи-2); машинашунослик ва машина деталлари (проф.-1, доп.-1, катта ўқитувчи-3); трактор ва автомобиллар (проф.-2, доп.-3); машинасозлик соҳалари муҳандислик педагогикаси (доп.-1, катта ўқитувчи-1); физикавий электроника ва микроэлектрон асбоблари (доп.-4, катта ўқитувчи-2); электрон техника материаллари физикаси ва технология (доп.-4, катта ўқитувчи-1); саноат электроникаси (доп.-3, катта ўқитувчи-1); ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш (проф.-1, доп.-3, катта ўқитувчи-1); автоматика ва телемеханика (проф.-1, доп.-4, катта ўқитувчи-2); электрон ҳисоблаш воситаларини лойиҳалаш ва технология (доп.-2, катта ўқитувчи-2); радиотехника ва радиотизимлар (доп.-3, катта ўқитувчи-1); метрология ва ўлчаш техникаси (проф.-1, доп.-4, катта ўқитувчи-1); электрон техниканинг назарий асослари (доп.-4, катта ўқитувчи-1); интеллектуал ва информацион роботлар (доп.-1); компьютер системалари ва тармоқлари (доп.-2, катта ўқитувчи-4); ахборотларни ишлаш ва бошқаришнинг компьютер тизимлари (доп.-1, катта ўқитувчи-2); телематика (доп.-5, катта ўқитувчи-2); информацион технологиялар муҳандислик педагогикаси (доп.-1, катта ўқитувчи-1); 1-олий математика (доп.-8, катта ўқитувчи-9); 2-олий математика (доп.-6, катта ўқитувчи-8); умумий ва амалий физика (проф.-1, доп.-5, катта ўқитувчи-4); экспериментал физика (доп.-3, катта ўқитувчи-4); умумий кимё (доп.-3, катта ўқитувчи-1); назарий механика (кафедра мудири, доп.-2, катта ўқитувчи-3); информатика (доп.-2, катта ўқитувчи-7); чизма геометрияси ва муҳандислик графикаси (доп.-2, катта ўқитувчи-6); ўзбек тили (катта ўқитувчи-5); инглиз тили (доп.-1, катта ўқитувчи-16); чет тили (катта ўқитувчи-9); жисмоний тарбия (проф.-1, доп.-2, катта ўқитувчи-10); социология (доп.-1, катта ўқитувчи-2); фалсафа (доп.-5, катта ўқитувчи-7); Ўзбекистон тарихи (доп.-5, катта ўқитувчи-2); маданиятшуносликва маънавият асослари (доп.-2, катта ўқитувчи-2); иқтисодиёт назарияси (доп.-2, катта ўқитувчи-7); педагогика ва психология (доп.-1, катта ўқитувчи-5); ҳуқуқ асослари (доп.-1, катта ўқитувчи-2); сиёсатшунослик ва демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти (доп.-3, катта ўқитувчи-3).

Аризаларни қабул қилиш муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилгоҳга юборилади: 700095, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Университетлар кўчаси, 2-уй, ТДТУнинг бош биноси, 418-хона, кадрлар бўлимига.
Маълумот учун телефон: 46-81-42.

5727/900

Кўргазма

Нукус музейининг асосчиси Игорь Витальевич Савицкийнинг номи мозийшунослар ҳамда санъат ихлосмандларига яхши таниш. Москвалик иқтидорли рассом ўзининг бутун ҳаётини Хоразм, Қорақалпоғистон тарихи ва маданиятини ўрганишга, мазкур воҳа санъат дурдоналарини асраб қолиш ва тарғиб этишга бағишлади.

«АВАНГАРД САНЪАТИДА МУСИҚА»

Ана шу фидойи инсонинг саъй-ҳаракати билан 1966 йилда Қорақалпоғистон Давлат санъат музейи «туғилди». Музейнинг асосий бойлигини И. В. Савицкий неча ўн йиллар мобайнида ранж-у машаққатлар ила тўплаган санъат асарлари ташкил этарди...

Игорь Витальевич Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Давлат санъат музейи ва «Нукус музейи дўстлари» жамияти томонидан Ўзбекистон Бадиий академиясининг замонавий санъат марказида очилган «Авангард санъатда мусиқа» кўргазмаси экспонатлари билан танишар экансиз, ўзбек ва қорақалпоқ халқлари маданиятининг ҳақиқий мухлиси бўлган бу инсоннинг яна бир хислатига қойил қоласиз. Зеро, 1920-30 йиллар авангард рассомларининг сақланиб қолган ижод намуналари орасида қатағонга учраган, халқ душмани деб эълон қилинган рассомларнинг асарлари ҳам талайгинадир.

Умуман, кўргазмага бугунги кунда «бисоти»да ўн мингга яқин экспонат бўлган Қорақалпоғистон Давлат санъат музейининг мусиқа санъатига бағишланган 50га яқин асари қўйилган. Бу ерга ташриф буюрган киши XX аср бошларида фаолият кўрсатган А. Волков, М. Курзин, Н. Қорахон, Н. Кашина сингари авангард санъати усталарининг ижоди билан яқиндан танишиш имконига эга бўлади, шунингдек, машҳур рассом М. Шемякиннинг санъат ихлосмандларига унчалик таниш бўлмаган асарларидан баҳра олади.

М. НОСИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Теннис

«ҲАВАС»ГА ҲАВАС ҚИЛИШСИН!

Аввал хабар қилганимиздек, 10-11 май кунлари "Тошкент" теннис маркази кортларида раҳбар ходимлар ўртасида анъанавий "Ҳавас" турнири бўлиб ўтди. Мазкур мусобақанинг жуфтлик ва якка тартибдаги ўйинларида жами 108 нафар раҳбар иштирок этди. Шунингдек, улар орасида хорижий давлатлар элчилари, дипломатик ваколатхоналар вакиллари ҳам бор эди.



Еттинчи бор ташкил этилган турнирни кузата туриб, бир нарсага амин бўлдик. Теннисга ҳаваскор раҳбарларнинг маҳорати анча ошибди, спортчиларга хос ҳаракатланишга интилиш кучайибди. Буни биргина яккалик баҳсларидаги финал ўйинидан ҳам билиш мумкин эди. Олдинги босқичларда барча рақибларини доғда қолдириб, ҳал қилувчи ўйинга етиб келган Миллий хавфсизлик хизмати ходими Фахриддин Турсуновнинг Эркин Жумабоев (Андижон вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари) билан кечган беллашуви тайбрэккача борди. Охир-оқибат водийдан ташриф буюрган раҳбарга ғолиблик нашидасини суриш насиб қилди.

— Беш-олти йилдан бери теннис билан шуғулланаман, — дейди "Ҳавас"нинг янги ғолиби. — Машғулот олиб бориладиган "Авесто" клубимизда етарли шароит яратилган.

Наманган вилояти ҳокими Тўлқин Жабборов нафақат теннис, балки спортнинг ашаддий мухлиси эканлигини кўпчилик билади. Бундан ташқари, у ҳар йилги "Ҳавас"да совринли ўринни қўлга киритади. Куни кеча якунланган мусобақа ҳам бундан истисно бўлмади. "Телеком-Тек" акциядорлик жамияти раиси Омон Носиров билан шерикликда жуфтлик баҳсларининг ҳал қилувчи ўйинигача етиб келган ҳоким финалда ҳам ўз маҳоратини намойиш қилди. Тўрнинг нариги томонидаги рақибларига имкон қолдирмай бош соврин эгасига айланди.

Шундан сўнг бўлиб ўтган ғолибларни тақдирлаш маросимида Т.Жабборовнинг ўзига аталган совғани "Тошкент" теннис маркази тарбияланувчиларига бериш тўғрисидаги таклифини йиғилганлар қарсаклар билан кутиб олишди. Анъанавий турнирнинг анъанавий одатлари ҳам бор. У ҳам бўлса мамлакатимиздаги етакчи оммавий ахборот воситаларининг турли номинациялар бўйича таъсис этадиган совринларидир.

Жумладан, "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарининг "Энг оғир вазнли иштирокчига" аталган мукофоти «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси раиси Равшан Файзуллаевга тегди. "Турнир маликаси"га белгиланган соврин Галина Саидовага насиб қилган бўлса, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан таъсис қилинган "Интилганга толе ёр" деб номланган эсдалик совғаси Ўзбекистон Телерадиокомпанияси раисининг биринчи ўринбосари Фарҳод Рўзиевга берилди.

Озод БЕК,
«Халқ сўзи» мухбири.

Н.МУҲАММАДЖОНОВ ва Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 477, 36516 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Н. ТОШЕВ.
Навбатчи — Б. ОСТОНАҚУЛОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
(т) — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21 .20
1 2 3 4 5 6

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 25 июлдаги 00124 - рақамли лицензияси асосида фаолият юритаётган
«OSIYO-AUDIT»
аудиторлик компанияси
ҚУЙИДАГИ ХИЗМАТЛАРНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:
- сифатли аудиторлик текшируви ўтказиш ва хулоса бериш;
- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш;
- йил давомида аудиторлик хизмати кўрсатиш;
- консалтинг ва молиявий фаолиятга доир бошқа хизматлар кўрсатиш.
Республиканинг барча вилоятларида компаниянинг шўъба корхоналари мавжуд.
АЛОҚА УЧУН ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ТЕЛЕФОН: 136-11-60.
5352/40

ҲИКМАТ

Кимки истар халқ аро бўлгай омон,
Яхшилик қилсин,
сира кўрмас зиён.

Сизлар учун, 2002 йилнинг
13-14 май кунлари — Бухоро шаҳрида (Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятлари учун);
16-17 май кунлари — Элликқалъа туманида (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти учун);
20-22 май кунлари — Термиз шаҳрида (Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари учун);
27-28 май кунлари — Фарғона шаҳрида (Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари учун) — ҳудудий;
30-31 май кунлари — Тошкент шаҳрида —
РЕСПУБЛИКА
"MINITECH-2002"
КЎРГАЗМА-САВДОСИ ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА.

Кўргазмада
- хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари учун мўлжалланган мини-технология ва ускуналар;
- халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш соҳасидаги кам харажатли мини-технология ва ускуналар;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган ускуналар;
- маҳсулотларни қадоқлайдиган ускуналар;
- қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш ускуналари;
- озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи мини-технология ва ускуналар;
- деҳқончилик ва чорвачиликда қўлланиладиган замонавий технология ва ускуналар;
- кичик, ўрта ва йирик бизнес субъектларининг маҳсулотлари намуналари намойиш этилади.

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР, ФЕРМЕРЛАР ВА ЎЗ ИШИНИ БОШЛАМОҚЧИ БЎЛГАН БАРЧА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

Намойиш этилаётган технологиялар, ускуналар, маҳсулотлар якка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар, кичик, ўрта ва йирик корхоналар учун мўлжалланган бўлиб, кўргазма-савдо ташкилотчилари томонидан молиявий маблағ билан таъминланган ҳамда суғурталанган.

Сиз ўз фаолиятингизни бошламоқчи, бизнес-режангизни ишлаб чиқмоқчи бўлсангиз, кўргазма доирасида ўтказиладиган:
- "Бошланғич сармояни шакллантириш учун йўналтирилган маблағларни кредит олувчи томонидан ўзлаштиришнинг янги имкониятлари";
- "Хорижий кредит линиялари маблағларининг тижорат банклари томонидан ўзлаштирилишини тезлаштириш, кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун бизнес-режа ва техник-иқтисодий асосларни ишлаб чиқишда кўмаклашиш" мавзуларидаги семинарларда қатнашинг.

Ушбу тадбирларнинг ахборот кўмаги Ўзтелерадиокомпанияси ҳамда «Қишлоқ ҳаёти», «Мулкдор», «Частная собственность», «Налоговые и таможенные вести», «Бизнес-вестник Востока» газеталари орқали амалга оширилмоқда.

КЎРГАЗМА ВА СЕМИНАРНИНГ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ:
ЎЗБЕКИСТОН ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ПАЛАТАСИ, УНИНГ ТИЗИМИГА КИРУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР ҲАМДА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИКЛАРИ.
5777/307

БУ ДУНЁ
Кичкина асманг бизни...
Жаҳонда энг митти мотоцикл Таиландннинг Сиам дорилфунуни талабалари томонидан ясалган бўлиб, унинг узунлиги 43, баландлиги эса бор-йўғи 18 сантиметр. Кунжут мойи ёки спирт каби ёнилғиларни «истеъмол» қилувчи бу мослама соатига 15 километр тезликда юра олади ва 130 килограммгача бўлган юкни бемалол кўтара олади.

ООО"MALVIL" Товар сертифицирован
ЭЛЕКТРОСТАНЦИИ
ПРОИЗВОДСТВО: ГЕРМАНИИ (GEKO, EBEMANN), ЯПОНИИ (HONDA), РОССИИ.
ДИЗЕЛЬНЫЕ И БЕНЗИНОВЫЕ МОЩНОСТЬЮ ОТ 300 Вт ДО 2000 кВт
Наши дилеры:
ООО "ELEKTRAGHOTA MINOT", тел.: (712) 48-43-55;
авто-маркет ТИРАЖЛИК, ул.Беруний, 83, тел.: (71) 144-41-97, 42-45-32;
торг.ряды Новок, маг. "АЛБТОН-SONY", тел.: (71) 127-45-00, 127-30-01;
маг. "ЛОКС" ул.Нукус, 89, тел.: (71) 152-40-56, 152-39-65;
маг. "Никаросси", торг.ряды Новок, тел.: (71) 144-90-16;
маг. "GRAND", ул.У.Носира, 12, тел.: (71) 152-70-64.
Наш адрес: г.Ташкент-700000, ул.Малкова, 3, каб.113-115.
факс/тел: 20-68-36; 110-20-30; 110-20-40
E-mail: malvil@uniab.ru
ПНВ19
Прямые поставки от мировых лидеров по производству промышленного электрического оборудования.
UPS
ПРОИЗВОДСТВО: ФРАНЦИИ (MGE)
ИСТОЧНИКИ БЕСПЕРЕБОЙНОГО ПИТАНИЯ МОЩНОСТЬЮ ОТ 300 Вт ДО 600 кВт
ГАРАНТИЯ, ПОСТАВКА ЗАПЧАСТЕЙ, ТЕХНИЧЕСКОЕ ОБСЛУЖИВАНИЕ.
5777

САВОЛ БИЗДАН...
Юнон мифологиясида одил судлов худоси нима деб аталади?
136-35-60
Ўтган сонда берилган саволнинг жавоби:
АҚШдаги Озодлик статуяси 1886 йилда Франция томонидан ҳадя этилган.

QUICK STOP GROUP OF COS.
NAMBUM
«QUICK STOP PAPER MILL» «НАМБУМ» ЛТД .ҚК
юқори сифатли ксерокс ва офсет қоғози ишлаб чиқаради ва сотади.
Ҳар бир боғламда 500 варақдан бўлган А-3, А-4 ўлчамли, зичлиги 80 гр./м2 қоғозлар:
А-3 — 8400 сўм,
А-4 — 4200 сўм.
Манзиллар:
Наманган шаҳри, Қурувчилар кўчаси, 50-уй. Телефон: (369 22) 2-14-83, факс: (369 22) 2-69-35.
Тошкент шаҳри, Махатма Ганди кўчаси, 44-уй. Телефон: 132-02-22, факс: 136-30-37.
Омбор манзили:
Тошкент шаҳри, Проектная кўчаси, 44. Телефон: 79-74-04, факс: 79-79-91.
5752/926

Газетанинг навбатдаги сони 16 май, пайшанба куни чиқади.

ЗАВОДНИНГ РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТЕРИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН
БЕНЗИН ҚУЙИШ КОЛОНКАЛАРИ (НАРА 4216, 2816)
ва ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРНИ таклиф этади.
НАРА ТМ
Завод мутахассислари томонидан ўрнатиб ва созлаб берилади. 1 йилга кафолат берилади.
Тўлов шакли турлича.
Телефонлар: 144-28-44, 144-28-04, факс: 144-28-28

«ELSUN-FARMBUYUM» ҚЎШМА КОРХОНАСИ АЛЮМИН БУРАМА
ҚАЛПОҚЧАЛАРНИ
D28, H18; D20, H15 ЎЛЧАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ ВА СОТАДИ.
Товар сертификатлаштирилган (SSUZ 01 SO 296049). Жаҳон стандартларига жавоб беради.
Тўлов — пул ўтказиш йўли билан.
Тел./факс: (998-71) 161-10-34, 161-11-09.
Тел.: (998-71) 188-12-71, 188-12-70, 187-28-76, 144-60-74.
5679/742

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги жамоаси агентлик котибияти мудири Тоҳир Долиевга отаси
Доли МУҲАММАДИЕВнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси жамоаси Агросаноат мажмуида хусусийлаштириш бош бошқармаси бошлиғи Пардабой Жўраевга қизи
Барно ЖЎРАЕВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.